



ЮРИДИК ХИЗМАТ КУРСАТИШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Восид Усмонов

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги
Юристар малакасини ошириш маркази,
“Хусусий-ҳуқуқий фанлар” кафедраси ўқитувчиси,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, (PhD).
<https://doi.org/10.5281/zenodo.5558875>

МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 01-oktabr 2021
Ma'qullandi: 05- oktabr 2021
Chop etildi: 10- oktabr 2021

KALIT SO'ZLAR

юридик хизмат,
талабнома-
даъво, эксперимент,
халқаро стандартлар,
юрисконсулт ёрдамчиси

ANNOTATSIYA

Сўнгги йилларда юридик соҳага алоҳида эътибор берилмоқда. Юридик соҳада бир қатор ўзгаришлар амалга оширилиб, соҳа ходимлари учун имкониятлар яратилиб берилмоқда. Юристар касби оғир касб бўлиб, бу соҳа ходим бугун тармоқларда меҳнат фаолиятини олиб бормоқда. Юридик соҳани тизимлаштириш бугунги ислохотларимизнинг мақсадидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”¹ги қарори қабул қилинди ва бир қатор ижобий ўзгаришлар рўй берди.

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида қонунийликни янада мустаҳкамлаш, демократик ва ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишда юридик хизматларнинг роли ва жавобгарлигини изчиллик билан кучайтириш мақсадида:

Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматлари фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этиш;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ишлаб чиқиладиган (қабул қилинаётган) норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка

¹ (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 4-сон, 50-модда, 25-сон, 521-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.01.2018 й., 0618/5306/0593-сон, 11.07.2018 й., 06/18/5475/1489-сон, 08.08.2018 й., 06/18/5504/1629-сон, 20.09.2019

й., 07/19/4461/3772-сон, 14.12.2019 й., 06/19/5894/4161-сон; 31.12.2020 й., 07/20/4938/1680-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.04.2021 й., 06/21/6218/0398-сон)



мувофиқлиги устидан назоратни олиб бориш;

давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлаш масалаларида уларнинг таркибий тузилмалари ишини мувофиқлаштириш;

давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали етказишда иштирок этиш;

шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритиш, давлат органлари ва ташкилотларининг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш.

Шу билан бирга қарорга бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан:

Юридик хизмат ходими ёхуд юрисконсулт лавозимида олий юридик маълумотга эга бўлган ёки Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказида юридик мутахассислик бўйича қайта тайёрлаш

курсларини тамомлаган ва белгиланган намунадаги дипломни олган шахс ишлаши мумкин².

Юридик хизмат бошлиғи лавозимида олий юридик маълумотга эга бўлган ёхуд Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказида юридик мутахассислик бўйича қайта тайёрлаш курсларини тамомлаган ва белгиланган намунадаги дипломни олган, шунингдек, юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлган шахс тайинланади;³

Юрисконсулт ёрдамчиси лавозимида олий ёки ўрта махсус юридик маълумотга эга бўлган ёхуд Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказида юридик мутахассислик бўйича қайта тайёрлаш курсларини тамомлаган ва белгиланган намунадаги дипломни олган шахс, шунингдек, олий таълим муассасасининг «Юриспруденция» мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган бакалавриат босқичининг битирувчи курси талабаси ёки магистранти ишлаши мумкин⁴.

давлат органи ва ташкилотига келиб тушаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни танишиш, хизматда

² (7-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 июлдаги ПФ-5475-сонли Фармони таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.07.2018 й., 06/18/5475/1489-сон)

³ (7-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 июлдаги ПФ-5475-сонли Фармони таҳририда —

Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.07.2018 й., 06/18/5475/1489-сон)

⁴ (9-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 июлдаги ПФ-5475-сонли Фармони таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.07.2018 й., 06/18/5475/1489-сон)



фойдаланиш учун биринчи навбатда олиш⁵;

2-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси;

3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси⁶.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг «юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»⁷ги 2017 йил 19 январдаги пқ-2733-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида қарори қабул қилинган бўлиб, унга кўра: давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида шу жумладан уларнинг ҳудудий бўлинмаларида мажбурий тартибда юридик хизматлар ташкил этилиши;

давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимларига адлия органлари ходимларига белгиланган мартаба даражаларини бериш, узоқ муддат хизмат қилганлиги учун устамаларни тўлаш тартиби татбиқ этилиши;

ходим бошқа давлат органларига, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига ишга ўтганда юридик хизмат ходими сифатидаги меҳнат

стажи мартаба даражалари учун устамаларни ва узоқ муддат хизмат қилганлиги учун кўшимча ҳақларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш учун иш стажига кўшиб ҳисобланиши;

юридик хизмат ходимлари ҳар чоракда судгача ва суд тартибида давлат органи ва ташкилоти фойдасига ҳал қилинган низолар юзасидан ундирилган маблағнинг 5 фоизи, бироқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 17,5 баробаридан кўп бўлмаган миқдорда мукофотланиши белгиланганлигини кўришимиз мумкин.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиш марказлари фаолиятини эксперимент тариқасида ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”⁸ги қарори қабул қилинган бўлиб, унга кўра Наманган шаҳри ва Қарши туманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21-22 май кунлари Андижон вилоятига ташрифи давомида кенгайтирилган тарзда ўтказилган 34-сон мажлис баёнининг 146-бандига асосан Андижон вилояти Марҳамат туманида эксперимент тариқасида бюджетдан молиялаштириладиган туман (шаҳар) давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматларидаги мавжуд штат

⁵ (18-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги ПФ-6218-сонли Фармони таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.04.2021 й., 06/21/6218/0398-сон)

⁶ (2-банд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 июндаги ПФ-5086-сонли Фармонига асосан иккинчи ва учинчи хатбошилар билан тўлдирилган — ЎР ҚХТ, 2017 й., 25-сон, 521-модда)

⁷ (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 18-сон, 323-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.02.2018 й., 09/18/107/0697-сон; 30.09.2019 й., 09/19/822/3840-сон, 29.12.2019 й., 09/19/1046/4242-сон; 27.06.2020 й., 09/20/411/1000-сон)

⁸ (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.09.2020 й., 09/20/561/1292-сон)



бирликларини қисқартириш ҳисобига туман (шаҳар) адлия бўлимлари ҳузурида давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизматлар кўрсатиш марказлари ташкил этилиши маълумот учун қабул қилинди.

Унга кўра марказлар:

юридик шахс ҳисобланмайди ва туман (шаҳар) адлия бўлимларининг таркибий бўлинмаси сифатида фаолият юритади ҳамда бевосита тегишли вилоят адлия бошқармасига бўйсунди;

Наманган шаҳрида 5 та, Марҳамат туманида 4 та, Қарши туманида 3 та штат бирликлари (бошлиқ ва етакчи юрисконсулт лавозимлари)дан иборат бўлади. Бунда, бошлиқ лавозими туман (шаҳар) даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича лавозим разрядларига кўра — бош юрисконсулт лавозимига тенглаштирилади;

тегишли ташкилотда қонун ҳужжатлари билан юридик хизматларга юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширади;

ходимларига адлия органлари ходимлари учун назарда тутилган мартаба даражалари ва кўп йиллик хизматлари учун устама ҳақ миқдорлари татбиқ этилади;

жорий таъминоти ҳамда ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш учун харажатларни молиялаштириш — тегишли маҳаллий бюджет маблағлари

ҳамда қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Марказнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

давлат органи ва ташкилоти буйруқлари, фармойишлари, шартномалари ва юридик тусдаги бошқа ҳужжатлари лойиҳаларини уларнинг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш;

давлат органлари ва ташкилотлари мулкӣ ва бошқа манфаатларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш;

давлат органлари ва ташкилотларида ўтказиладиган текширишларда қатнашиш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб кўриш мумкинки, ҳозирги вақтда юридик хизмат ходимининг ҳуқуқий мавқеи ошириб борилмоқда. Юридик хизмат ходимининг мартаба даражаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Юридик хизмат ходими учун бир қатор шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Юридик хизмат ходими албатта бу имкониятлардан тўғри фойдаланиш ва меҳнат фаолиятини соф дилдан бажариш талаб этилади.

References:

1. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 4-сон, 50-модда, 25-сон, 521-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.01.2018 й.,



- 0618/5306/0593-сон, 11.07.2018 й., 06/18/5475/1489-сон, 08.08.2018 й.,
06/18/5504/1629-сон, 20.09.2019 й., 07/19/4461/3772-сон, 14.12.2019 й.,
06/19/5894/4161-сон; 31.12.2020 й., 07/20/4938/1680-сон; Қонунчилик маълумотлари
миллий базаси, 30.04.2021 й., 06/21/6218/0398-сон)
1. (7-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил
11 июлдаги ПФ-5475-сонли Фармони таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари
миллий базаси, 11.07.2018 й., 06/18/5475/1489-сон)
 2. (7-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил
11 июлдаги ПФ-5475-сонли Фармони таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари
миллий базаси, 11.07.2018 й., 06/18/5475/1489-сон)
 3. (9-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил
11 июлдаги ПФ-5475-сонли Фармони таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари
миллий базаси, 11.07.2018 й., 06/18/5475/1489-сон)
 4. (18-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил
30 апрелдаги ПФ-6218-сонли Фармони таҳририда — Қонунчилик маълумотлари
миллий базаси, 30.04.2021 й., 06/21/6218/0398-сон)
 5. (2-банд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 июндаги ПФ-5086-
сонли Фармонига асосан иккинчи ва учинчи хатбошилар билан тўлдирилган — ЎР ҚХТ,
2017 й., 25-сон, 521-модда)
 6. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 18-сон, 323-модда;
Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.02.2018 й., 09/18/107/0697-сон;
30.09.2019 й., 09/19/822/3840-сон, 29.12.2019 й., 09/19/1046/4242-сон; 27.06.2020 й.,
09/20/411/1000-сон)
 7. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.09.2020 й., 09/20/561/1292-сон)